

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8170521>

Абилов Ғайрат Эшпулатович
Ўзбекистон миллий университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада иқтисодий ўсиши моделлари, унинг назарий асослари ва иқтисодий ўсиши назарияларини гурухланиши ўрганилган. Шунингдек, маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга кўра, иқтисодий ўсиши вақт билан боғлиқ ҳолда омиллар ўзгаришии асосида қисқа, ўрта ва узок муддатларга ажратилганилиги ҳамда барча иқтисодий ўсиши моделлари таҳлил этилиб муаммолар аниқланган.

Калит сўзлар

иқтисодий ўсиши, иқтисодий ўсиши модели, Харрод-Домар иқтисодий ўсиши модели, жамғармалар, меҳнат ресурслари ўсиши, илмий-техник тараққиётнинг аҳоли турмуши даражаси.

МОДЕЛИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И ОСОБЕННОСТИ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ НА ПРАКТИКЕ

В статье рассматриваются модели экономического роста, его теоретические основы и группировка теорий экономического роста. Кроме того, согласно исследованиям, проведенным местными учеными-экономистами, экономический рост был разделен на краткосрочный, среднесрочный и долгосрочный в зависимости от изменения факторов во времени, а также все модели экономического роста были проанализированы и выявлены проблемы.

Ключевые слова

экономический рост, модель экономического роста, модель экономического роста Харрода-Домара, сбережения, рост трудовых ресурсов, уровень жизни населения в условиях научно-технического прогресса.

ECONOMIC GROWTH MODELS AND FEATURES OF THEIR APPLICATION IN PRACTICE

The article explores models of economic growth, its theoretical foundations, and the grouping of theories of economic growth. Also, according to studies carried out by local economists, economic growth was divided into short, medium and long periods based on changes in factors in relation to time, and all economic growth models were analyzed and problems were identified.

Key words

economic growth, economic growth model, Harrod-Domar economic growth model, savings, labor resource growth, population living standards of scientific and technical progress.

Барча иқтисодий моделлар каби иқтисодий ўсиш моделлари ҳам реал ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг абстракт ва соддалаштирилган шаклдаги, шартли турли графиклар ва тенгламаларда акс эттирилиши барчага маълум. Иқтисодий ўсишнинг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш жараёнида амалга оширилган изланишларимиз натижаларига таянган ҳолда иқтисодий адабиётда мавжуд иқтисодий ўсиш борасидаги илмий қарашларни қўйидагича гурухлаш мумкин бўлади:

- иқтисодий ўсишнинг неокейнсча назариялари;
- иқтисодий ўсишнинг неоклассик назариялари;
- иқтисодий ўсишнинг эмприк назариялари;
- эндоген ўсишнинг янги назариялари

Юқорида келтирилган тартибда иқтисодий ўсиш назарияларининг гурухланишини амалга оширишнинг асосий сабаби ушбу илмий назариялар асосида иқтисодий ўсишнинг турли моделлари яратилганлиги билан асосланади. Жумладан, XX асрнинг ўрталарида кейнсчилик илмий мактабининг макроиктисодий мувозанат назариясини такомиллаштирилган ҳолда иқтисодий адабиётда неокейнсчилик илмий мактаби вакилларининг назариялари шаклана борди. Мазкур илмий мактаб вакилларидан Р.Харрод ўз илмий тадқиқотларида иқтисодий ўсишнинг динамик моделларини ишлаб чиқади. Бунда олим ахоли жон бошига даромад, ишчи кучи ва асосий капитал ўсиши ўргасидаги боғлиқликларни тадқиқ этади. Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда олим иқтисодий айланмага миллӣ даромаднинг капитал сифимкорлигини ифодаловчи “капитал коэффициенти” тушунчасини киритади ва ушбу кўрсаткичдан техник-

технологик тараққиётнинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш жараёнида фойдаланади.⁵⁵

Маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга кўра, иқтисодий ўсиш вақт билан боғлиқ ҳолда омиллар ўзгариши асосида қисқа (1-3 йил), ўрта (3-5 йил) ва узоқ (5-10 йил) муддатларга ажратилиб ўрганилади. Қисқа муддатли иқтисодий ўсишни баҳолашда меҳнат ва капитал омилларидан фойдаланилса, узоқ муддатда эса технологик ва таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинади. Айрим иқтисодчилар томонидан ЯИМнинг уч йил давомида ўсиши барқарор ўсиш деб баҳоланса⁵⁶, бошқа олимлар томонидан 5,0 фоиз ва ундан юқори ўсиш кўрсаткичларига эришилган давр барқарор иқтисодий ўсиш сифатида қаралиши⁵⁷ таъкидланган.

Таҳлилларга кўра, иқтисодий ўсиш сифати ижтимоий барқарорлик билан бирга, экологик барқарорликни таъминловчи омиллар самарадорлигини ҳам ўз ичига олади ва улар барқарор ўсиш сифати ошишига мултиплектив таъсир қиласи. Ўсиш сифатининг кўп омилли эканлигини инобатга олиб, ушбу омилларнинг соҳа ва тармоқлар кесимида натижавий жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш лозим.⁵⁸

Юқорида келтириб ўтилганидек, Р.Харрод томонидан таклиф этилган иқтисодий ўсиш моджелидан бироз фарқли модел америкалийк иқтисодчи олим Е.Домар томонидан ишлаб чиқилади. Е.Домар моделининг ўзига хос хусусияти у Ж.М.Кейнснинг инвестициялар даромадни шакллантириши орқали талабни рағбатлантириши мумкин деган фикрини ривожлантирган ҳолда инвестициялар товарлар таклифини рағбатлантирувчи омил эканлигини исботлаб беради.

Умуман олганда, Харрод-Домар иқтисодий ўсиш моделининг ўзига хос хусусияти уларнинг бозор иқтисодиётининг ўзини-ӯзи бошқариш имконияти етарли эмаслиги билан бир қаторда иқтисодий ўсишнинг бирламчи омили капитал эканлиги ва иқтисодий муносабатлар тизимида талабнинг ўсиши таклифнинг ўсиши билан teng бўлиши исботланганлиги билан тавсифланади.

⁵⁵ Harrod-Domar Model. Anim Publishing, 2011. P. 21

⁵⁶ Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иктисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. ТДИУ. – Т., 2006. – 23 б.

⁵⁷ Вахобов А. Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит – Т., 2011, № 6, 38-42 б.

⁵⁸ Мадраҳимов У.А. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017, 71 б.

Иқтисодий ўсишнинг Харрод-Домар моделини мамлакатимиз амалиётига тадбиқ этадиган бўлсақ, иқтисодиётни модернизациялаш ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини ўсишига таъсир кўрсатиб келаётганини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий техника-технологиялар билан жиҳаозлаш, уларни реконструкция қилиш сўнгги йилларда устун даражада инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётганлиги барчамизга маълум.

ХХ асрнинг 50-60 йилларида неоклассик мактаб вакилларининг илмий қарашлари шаклана борди. Ушбу даврда иқтисодий ўсиш суръатларини фойдаланилмаётган қувватлар ҳисобига эмас, балки янги техника-технологияларни амалиётга тадбиқ этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига жадаллаштириш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда долзарб аҳамият касб этди. Жумладан, Ж.Смит ва классик илмий мактаб вакили Р.Солоулар томонидан ишлаб чиқилган назариянинг методологик асосини ишлаб чиқариш омилларининг классик назарияси ташкил этганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда ушбу назарияда меҳнат, капитал ва ер ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг мустақил омиллари сифатида талқин этилади.⁵⁹

Р.Солоу ўз иқтисодий моделида жамғармалар, меҳнат ресурслари ўсиши ва илмий-техник тараққиётнинг аҳоли турмуш даражаси ва унинг ривожланиш динамикасига таъсир этиш механизмини тадқиқ этди. Олим томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, узоқ муддатли даврда иқтисодий ўсиш суръатлари капитал қўйилмалар ҳажмининг ортишига эмас, балки техник-технологик ривожланиш омилларига боғлик деган хуносага келинди.⁶⁰

Р.Солоу технологияни сифат жиҳатидан такомиллаштириш, ҳодимларнинг малакасини ошириш дастгоҳлар ва фабрикалар сонини қўпайтиришга қараганда анча самаралироқ эканлигини асослайди. Унинг фикрича, асосий воситаларни илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлик

⁵⁹ Solow, Robert M. A Contribution to the Theory of Economic Growth. // Quarterly Journal of Economics 70 (February), 1956. P. 65-94

⁶⁰ Macroeconomics (eighth edition). N. Gregory Mankiw. 2013 by Worth publisher: p.238.

ишилнамаларини ривожлантиришга йўналтириш самарали иқтисодий ўсишни таъминлайди.⁶¹

Фанлар ривожи, ахборотлар алмашинуви ривожланган жамиятнинг вужудга келиши - инсон капитали - билим даражасининг ортиши, маориф, саломатлик, турмуш тарзи сифати ва етакчи мутахассисларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрнини намоён қилди.

Р.Солоу тадқиқотларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, техник-технологик ривожланишнинг барқарорлиги, илм-фан натижаларининг ишлаб чиқаришга доимий тадбик этилиши ва ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг етакчи омиллари ҳисобланади. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда ҳам ушбу омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Кейинчалик иқтисодчи олим Дж.Мид иқтисодий ўсишни баҳолашда неоклассик асосларга таянган ҳолда, иқтисодий ўсишнинг маржиналистик ёндашувларини ишлаб чиқади. Олим ўз иқтисодий карашларини "Иқтисодий ўсишнинг неоклассик назарияси" деб номланган илмий асарида баён қилади. Дж.Мид меҳнат ва техник тараққиётнинг ўсиш суръатларини доимий деб баҳолаган ҳолда, ўз тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосага келади: иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатига капитал ўсишнининг барқарор суръатлари ва унинг миллий даромад ўсиш суръатлари билан тенглиги шароитида эришилади. Агарда капиталнинг ўсиш суръатлари миллий даромаднинг ўсиш даражасидан ортса, у ҳолда жамғариш суръатларининг ўз-ўзидан пасайиш суръатларига олиб келади.⁶²

Фикримизча, Дж.Мид моделининг хусусияти шундаки давлат фақатгина пул-кредит сиёсатидан фойдаланган ҳолда фақат иқтисодий ўсишни барқарор-лаштирадиган вазифани бажариши билан характерланади. Фақатгина ушбу ресурсларнинг зарур бандлиги ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган даромад ва жамғармаларнинг қайта тақсимлаш механизмини яратишга имкон беради деб ҳисоблайди.

XX асрнинг 90 йилларидан иқтисодий ўсишга таъсир турли омилларнинг таъсирини ўрганишга йўналтирилган эмпирик тадқиқотлар амалга оширила бошланди. Жумладан, иқтисодчи олим Э.Денисон инсон омилининг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолайди. Олим америка иқтисодиётини таҳлил қилади ва иқтисодиётда ишчи кучи сифатини юқори ўринга қўяди. Иқтисодчи инсон омилининг иқтисодий ўсишга таъсирини

⁶¹Robert M. Solow, The Economic of Resources and the Resources of Economic, 1974.

⁶²Macroeconomics (eight edition). N. Gregory Mankiw. 2013 by Worth publisher: 238

баҳолашда фақатгина ишчи кучи сонига эмас, балки, меҳнат унумдорлигининг ёлланиб ишловчи ҳодимнинг ёши, жинси, маълумоти ва қасбий малакаларига боғлиқлик даражасини ҳам инобатга олади.⁶³

Э.Денисон томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, меҳнат унумдорлигининг иқтисодий ўсишга таъсири қуидагиларда ўз аксини топади:⁶⁴

- ёлланиб ишловчи ҳодимларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга оид фикрларининг кенгайиши ва уларнинг технологик билимларининг кенгайиши;

- ривожланган мамлакатлар амалиётидаги мавжуд амалий билимларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш амалиётида ижодий фойдаланиш натижасида ривожланишдан нисбатан ортда қолаётган мамлакатларнинг энг мақбул иқтисодий ўсиш даражасига эришиши ва ривожланган мамлакатларга нисбатан яқинлашиш;

- меҳнат ресурслари ва ёлланиб ишловчиларни билим ва қасбий малакаларидан келиб чиқсан ҳолда бўш иш ўринларига жойлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларда юқори самрадорликка эришиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини ихтисослаштиришни кучайтириш ва миллий бозорни ривожлантириш.

ХХ асрнинг 80-90 йилларида П.Ромер ва Р.Лукаслар Солоу моделини такомиллаштирган ҳолда, иқтисодий ўсишнинг эндоген назариясини шакллантирадилар. Ушбу назария технологик ривожланишни математик тушунтиришни назарда тутади. Бунда ёлланиб ишловчиларнинг фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатадиган билим, қасбий малака ва туғма қобилияtlарини ифодалаёдиган инсон капитали тамойилини ҳам инобатга олингандиги билан характерланади. Бошқа капитал шаклларидан фарқли ўлароқ инсон капиталининг рентабеллиги даражаси иқтисодий ўсиш тенденциясига таъсир кўрсатади.⁶⁵

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш даражаси капитал тўпланган сари секинлашмайди, балки иқтисодий ўсиш суръатлари киритилаётган капитал турига боғлиқ бўлади. Инсон капиталини оширадиган омиллар сифатида эса таълим ва инновациялар келтирилади.

⁶³ Denison E. "Accounting for United States Economic Growth, 1929-69", 1974 p.; Denison E. "Accounting for Solwer Economic Growth: The United States in the 1970's", 1979

⁶⁴ Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. / Дарслар. – Т.: "Иқтисодиёт", 2013. 40 б.

⁶⁵ Ishmuxamedov A.E., Jumayev Q.X., Djumayev Z.A. Makroiqtisodiyot. – Т.: "O'zbekiston yozuvchilar uyushmasining Adabiyot jamg'armasi nashriyoti" 2005. – 142 – b.

Миллий инсон капиталини баҳолашни биринчилардан бўлиб 1988 йилда Америкалик иқтисодчи Р.Лукас амалиётда қўллади. У мамлакатларнинг XX аср сўнгти 10 йиллик қўрсаткичларини ўрганиб чиқди. Иқтисодчи олим ишчи кучларининг қобилиятларини комплекс тарзда баҳолашда “хизматларни баҳолаш” методидан фойдаланди. Ишчилар салоҳияти натижаларини уларнинг маошлари орқали баҳолади. Р.Лукас ўз изланишларида инсон капиталининг иқтисодий ривожланишдаги аҳамиятини қўрсатиб берди. Иқтисодий ва инсон капитали қўрсаткичлари ўзаро тўғри мутаносибликка эга деган хуносага келди.⁶⁶

Иқтисодий ўсишнинг назарий-методологик асосларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларимиз натижаларини умумлаштириган ҳолда 1.1-жадвалда келтриб ўтилган тарздаги гурухлашни амалга оширидик. Иқтисодий адабиётдаги иқтисодий ўсишга бағишлиланган барча моделларни умумлаштирган ҳолда ўрганадиган бўлсак, бугунги кунда айни бир моделнинг иқтисодийтда тўлиқ қўлланилаётганини кузатишнинг иложи йўқ. Кейнсчилар бу борада иқтисодий ўсишни моделлаштиришда асосий эътиборни инвестиция ва давлат бошқарувига қаратса, неоклассиклар давлатнинг иқтисодий бошқарувини рад этган ҳолда, барча ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлик жиҳатларини устувор деб баҳолайдилар.

1.1-жадвал

Иқтисодий ўсиш назарияларини гурухланиши⁶⁷

Иқтисодий ўсиш назарияларининг гурухланиши			
Иқтисодчи олимлар	Илмий мактаб йўналиши	Назариянинг ўзига хос жиҳатлари моҳияти	
Р. Харрод, Е. Домар	Неокейнсчиллик	Иқтисодий ўсишнинг ягона омили сифатида капитал белгиланади. Талаб ва таклиф ўзаро тенг ўсади	
Р. Солоу, Дж. Мид	Неоклассик	Инвестициялар, ишчи кучи сони ва техник-технологик ривожланиши иқтисодий ўсишнинг омили ҳисобланади	
Э. Денисон, Р. Барро	Эмпирик назария	Меҳнат ва капитал иқтисодий ўсишнинг омили сифатида баҳоланиб, меҳнат унумдорлигининг ортишига алоҳида эътибор қаратилади	
Р. Лукас, П. Ромер	Эндоғен назария	Иқтисодий ўсишнинг инсон капитали сифати билан боғлиқлиги	

⁶⁶ Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. 1988. Vol. 22. P. 3-32.

⁶⁷ Муаллиф томонидан тузилган

Бизнинг фикримизча, мамлакат ўз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш йўлини бир иқтисодий ўсиш моделига асосланган ҳолда эмас, балки, ўз мамлакатининг табиий, ижтимоий ва иқтисодий салоҳияти, сиёсий жиҳатлари, мамлакат аҳолисининг урф-одатлари, анъаналари ва ментал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда миллий иқтисодий ўсиш моделини ишлаб чиқиши лозим. Ушбу масала ҳал этилган тақдирдагина мамлакат иқтисодиётининг турли ташқи хавф-хатарлар, рисклар таъсирларга сезувчанлик даражаси камаяди ва жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар ва инқирозларга қарши чидамлилик даражаси юқори даражада бўлади деб айтиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Harrod-Domar Model. Anim Publishing, 2011. P. 21
2. Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иктисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. ТДИУ. – Т., 2006. – 23 б.
3. Вахобов А. Зайнитдикова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит – Т., 2011, № 6, 38-42 б.
4. Мадраҳимов У.А. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017, 71 б.
5. Solow, Robert M. A Contribution to the Theory of Economic Growth. // Quarterly Journal of Economics 70 (February), 1956. P. 65-94
6. Macroeconomics (eight edition). N. Gregory Mankiw. 2013 by Worth publisher: p.238.
7. Robert M. Solow, The Economic of Resources and the Resources of Economic, 1974.
8. Macroeconomics (eight edition). N. Gregory Mankiw. 2013 by Worth publisher: 238
9. Denison E. "Accounting for United States Economic Growth, 1929-69", 1974 p.; Denison E. "Accounting for Solwer Economic Growth: The United States in the 1970's", 1979
10. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. / Дарслик. – Т.: "Иқтисодиёт", 2013. 40 б.

11. Ishmuxamedov A.E., Jumayev Q.X., Djumayev Z.A. Makroiqtisodiyot. – T.: “O’zbekiston yozuvchilar uyushmasining Adabiyot jamg’armasi nashriyoti” 2005. – 142 – b.

12. Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. 1988. Vol. 22. P. 3-32.